

«Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишонлари билан тақдирлаш тадбири ўтказилди



12:36 / 07.12.2022 1359

Маълумки, 2022 йилнинг 8 -ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** томонидан “**Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги**” эсдалик нишонини таъсис этиш

тўғрисида ПФ-243 сонли фармони имзоланган.

Туризм ва Маданий мерос вазирлигида ушбу сана муносабати билан ўтган тадбирда Бош вазир ўринбосари-туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов иштирок этди.

Сўнгра мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир қатор туризм, таълим ва бошқа соҳа вакилларига эсдалик нишонларини тантанали тарзда топширди.

Жумладан, «**Hilol-Nashr**» нашриёт матбааси бош раҳбари, ношир, кўплаб китоблар таржимони, "**Ҳилол**" диний-маърифий, ижтимоий-адабий журнали бош муҳаррири "**Ислом уз**" портали раҳбари, «**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**» жомеъ масжиди имом-хатиби устоз **Исмоил Муҳаммад Содиқ** эсдалик нишони билан тақдирланди.

Исмоил Муҳаммад Содиқ 1976 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1994 йил «**Исломий даъват куллияси**»га ўқишга кирди. Тўрт йил бакалавр босқичида, сўнг икки йил магистратурада ўқиб, 2001 йили ушбу куллияни тамомлади. Шундан сўнг, элчихоналарда, диний таълим муассасаларида, нашр ишларида, сайт хизматларида ва таълим марказларида фаолият олиб борди.

Исмоил домла шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ўғиллари, у зот бошлаган хайрли ишларининг давомчиси, бир неча исломий ташкилотларнинг аъзосидир.

Шунингдек, Бухоро шаҳар «**Жўйбори Калон**» ўрта махсус ислом таълим муассасаси мудир, «**Чорбакр**» жомеъ масжиди имом-хатиби Азизхўжа домла Иноятов, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Бухоро вилоят вакиллиги вилоят бош имом хатиби Жобир домла Элов, МирАраб ўрта махсус ислом билим юрти мудир Жалолиддин домла Сабуров муносиб тақдирландилар.

Фидойи ва жонкуяр устозларимизга Аллоҳ таборака ва таолодан дин, халқ ва Ватан йўлидаги хизматларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.











